



ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

2

Гулсал АБДУЛЛАЕВА,  
“Нихол” мукофоти совриндори:

БАХТЛИ АВЛОД  
ВАКИЛАСИМАН!




4



БУНЁДКОРЛИК  
МАЙДОНИ  
КЕНГАЙМОҚДА

5

БАХТ НИМА?



8

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналарини нишонланаётган шу кунларда Термиз шаҳрида 64 оилага мўлжалланган икки ва уч хонали “Камолот” уйларининг қалитлари Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, фидокорона меҳнати билан тенгдошларига ибрат бўлаётган турли касб эгалари, халқаро миқёсда юксак натижаларга эришяётган ёш спортчиларга тантанали равишда топширилди.

— Мустақиллик байрамини оиламиз билан ўзимиз орзу қилган замонавий уйда кутиб олганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди каратэ бўйича Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги ҳакам Алишер Қиличев. — Ҳеч қандай бадал тўловисиз узоқ муддатли имтиёзли кредит эвазига уч хонали уйга эга бўлдик.

## ҚАДДИМИЗ ҲАМ, ҚАДРИМИЗ ҲАМ БАЛАНД

24 йил...Бошқаларни билмадик, лекин биз учун бу муддат тарихий воқеаларга бой бўлди. Ҳеч иккиланмасдан бу йилларни юрагимиз дафтари-га зарҳал сўзлар ва рақамлар билан битсак арзийди. Ҳар бир лаҳза, кун, ой ва йиллар нақадар азиз ва қадрли.

Бу муддат бағрикенг, меҳр-оқибатли, бунёдкор халқимиз учун Ватанимиз мустақиллигининг бетакрор қадр-қимматини, истиқлол йилларида Ўзбекистон босиб ўтган машаққатли ва шу билан бирга, шарафли йўлининг, кенг қамровли ислохотларнинг, янги-янги марраларни забт этишига ундайдиган улугвор муваффақиятларнинг маз-



мун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб этишида муҳим омили бўлди.

### Ш у к у ҳ

Бугун Ўзбекистонга нисбатан “Маънавият мамлакати” деган таърифни ҳеч иккиланмасдан бемалол қўллаш мумкин. Бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш осон ёки бир кунда бўлиб қоладиган иш эмас, албатта. Ҳозир дунёда маърифат, маданият, санъат, бир сўз билан айтсак, маънавият ҳақида шунчалик жон куйдираётган, яна бирор давлатни айтиши мушкул.

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК



**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Олмасор тумани ҳокимияти ва бир қатор мутассад ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимиздаги "G'uncha Med" тиббиёт марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллик байрамга бағишлаб эҳтиёжманд оилалар вакиллари ва болаларни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида хайрия тадбири ташкил этилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзи-

ни шакллантириш, тиббий маданиятни юксалтириш борасида яратилган имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги тиббиёт масканлари энг илғор диагностика технологиялари ҳамда замонавий тиббий анжомлари билан жиҳозлангани касалликларни аниқлаш, олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур хайрия тадбирида 50 нафарга яқин аёллар ва болаларга Европа давлатларидан келтирилган сифатли тиббий диагностика реактивлари воситасида кўриқдан ўтишларини кафолатловчи 20 миллион сўмга яқин сертификатлар топширилди. Бундай имкониятларга эга бўлган бемор-

## Хайрия тадбири

лардан 10 нафар аёл Тошкент тиббиёт академияси қошидаги туғруқ комплексида, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 10 нафардан беморлар соғломлаштирилади.

— Берилган ушбу имтиёздан фойдаланиб, қизимни хайрия тадбирига олиб келдим, — дейди Манзура опа Ҳамидова. — Даволашни бошлаганига беш кун бўлди. Мазкур лойиҳада иштирок этишимиз биз учун жуда хайрли бўлди. Ҳозир таҳлил намуналарини топширдик. Хайрия тадбири давомида барча беморлар тўла даволаш курсини ўтар экан. Энг замонавий тиббий ускуналарда бепул тиббий кўриқдан ўтиб, шифокорларнинг тавсияларини олиб, даволаш курсини ўтагач, қизим албатта, соғайиб кетади, деган умиддаман. Бундай имкониятларни яратиб берган ташкилотчиларга миннатдорчилигимни билдираман.

Ана шундай эзгу ниятларни кўзлаган хайрия лойиҳаси кўплаб оилаларга қувонч улашди. Ташкилотчилар келгусида бошқа ҳудудларда ҳам ана шундай тадбирларни ўтказишни келишиб олишди.

**Камола АДАШБОЕВА,  
"Оила ва жамият"  
мухбири.**

## ҚАДДИМИЗ ҲАМ, ҚАДРИМИЗ ҲАМ БАЛАНД

Давоми. Боши 1-бетда

Айрим жойларда умуминсоний қадриятларнинг қадрсизланиши, маънавий таназзул рўй бераётган бир паллада биз кўплаб мамлакатларда маърифий жиҳатдан анча илгарилаб кетганимиз барчамиз учун қувонарлидир.

Менинг назаримда, бунинг бош омили, Президентимиз раҳнамолигида биринчи навбатда, ёшларимиз тарбияси, таълим тизими-га берилётган бекиёс эътибор, миллий қадриятларимиз қадрланаётгани, маънавиятни юксалтириш учун қилинаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, энг асосийси, ривожланишнинг, тараққиётнинг тўғри йўлини танлаганимиздадир.

Шу ўринда биз умргузаронлик қилаётган Андижон вилояти ҳам улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эгаллигини фахр билан таъкидламоқчимиз. Ривожланган sanoat тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоятимиз маркази, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётган. Шинам ҳамда қулай, намунавий лойиҳадаги уй-жойларнинг бутун

мамлакатимиз миқёсида, шу жумладан, Андижон вилоятида ҳам кўплаб қурилаётганлиги қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Ўтган йили Олтинқул тумани Жалабек қишлоғидаги Далварзин маҳалласида замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Худуддаги намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган 50 та яқка тартибдаги уй-жойга узукка кўз кўйгандек ярашган ушбу гузарни кўриб дил яйрайди. У ерда саратрошхона, кимёвий тозалаш хизмати, дорихона, гўзаллик салони, чеварчилик, қассобхона, озиқ-овқат, хўжалик моллари ҳамда нон дўконлари бугун одамларнинг оғирини енгил қилаётган. Энг муҳими, маҳалламиз аҳоли учун барча имкониятлар яратилган. Рўзгорга нимаки зарур бўлса, аввалгидек шаҳар марказига бориб эмас, шундоқки на гузарнинг ўзидан харид қилиш мумкин.

Далварзин гузари олдида аттракционлар, болалар дам олиш маскани ҳамда футбол майдончаси ёшлар ихтиёрида. 80 сотих майдонда барпо этилган интенсив боғ худуд ободлиги, маҳалла қиёфасига кўра бағишлаб турибди.

Бу йилги қутлуғ айёмга ҳам андижонликлар ўзгача руҳда тайёрданлик кўришди. Энг қувончлиси, Андижон оқшомлари фавворалар

## Шукӯ

сайли билан янада файзли бўлиб боряпти. Шаҳардаги энг катта фаввора Бобур майдонида. Сувнинг турли шаклларда отилиши, чироқлар ва мусиқа уйғунлиги кишига завқ беради. Дарҳақиқат, шаҳримизни томоша қилган кишини бир-биридан кўркем фавворалар дурлар сочиб қаршилайди. Бу юртимиздаги тинчлик, кўнгил хотиржамлигидан далолатдир. Зеро, хотиржамлик ҳукм сурган юртдагина халқ бунёдкорлик ишларига қодир. Кўкка интилаётган фавворага қараб, юртимизнинг қудрати ҳам шу каби виқор ила юксакликка бўй чўзаётганлигини, унинг улғурлигини теран ҳис этади, киши.

Хурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини юзага чиқарган, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклаган, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаётган, биз ёшлар келажагига мустақкам замин яратаётган азиз ва мукаррам — Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Насибохон  
РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
Андижон давлат тиббиёт  
институти ходими.**

## Жараён

### БОСМА НАШРЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Босма оммавий ахборот воситаларида учраётган хатолар (грамматик, орфографик, стилистик ва таркибдаги камчиликлар) ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сони қарийиб 1400 дан ошди. Бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқдаки, бу жамоатчиликнинг талаби ҳам шунга мувофиқ ўсиб бораётганини, ахборот олиш ва тарқатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини, ёш кадрлар соҳага янгиланишлар олиб кираётганини кўрсатади. Шунинг баробарида миллий матбуотимизда камчилик ва нуқсонлар ҳам тез-тез учраб турибди.

Маълумки, газета чоп этилгунга қадар бир қанча чиғириклардан ўтади. Бу катта масъулият талаб этадиган жараён. Бунда мусахҳаддан тортиб, навбатчи, бўлим муҳаррири, бош муҳаррир ўринбосари, муҳаррирнинг ҳам хизмати кўринади. Бироқ кейинги пайтда айрим босма нашрларда кўпол ва жузъий хатolikлар учрамоқдаки, бу ўқувчиларда ҳам эътироз уйғотмоқда.

Тадбирда ана шундай муаммолар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди, жонли мисоллар келтириб ўтилди. Тадбир давомида сўзга чиққанлар хатоларнинг пайдо бўлиши, аввало, ёш журналист кадрларнинг етарли билим ва малакага эга эмаслиги, муҳбир ва дизайнерларнинг эътиборсизлиги, қолаверса, компьютер технологияларини пухта билмаслик эканини таъкидладилар.

**Олимжон ЖУМАОБОВ.**

### ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни янада кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш муҳим масалага айланган. Шу мақсадда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкор ташкилотлар билан бирга қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, оилавий низоларнинг олдини олишда фуқаролар йиғинлари ва профлиактика нозирларининг ролини кучайтириш шулар жумласидандир. Шу доирада республика-миз миқёсида оила институти, унинг мустаҳкамлиги, репродуктив саломатлик масалаларига бағишланган 40 га яқин давра суҳбатлари, учрашув, анжуманлар ташкил этилаётгани жамиятимизда оиланинг муҳим бўгин эканини кўрсатади.

Миллий матбуот марказида республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан "Мустақил юртнинг мустаҳкам оилалари" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда ёш оилаларни ўйлантираётган муаммоларнинг олдини олишга қаратилган "Аҳралининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар", уйдаги келишмовчиликларга барҳам беришга оид "Оилада шахслараро муомалани ташкил этиш психологияси", болаларни назорат қилишга мўлжалланган "Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар" каби маърузалар тингланди, шунга оид рисоалар ҳамда қўлланмалар тақдимоти ташкиллаштирилди.

Тадбир давомида журналистлар марказ томонидан амалга оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида ҳам батафсил маълумотга эга бўлдилар.

**Ш. МҶМИНОВА,  
"Оила ва жамият"  
мухбири.**

...Гавжум кўча. Одамлар шошиб-ошиқиб илдамлайди. "Ие, опа, Ассалому-алайкум", деган овоз нуруний онахоннинг эътиборини тортади. Рўнарасида кўзлари севинчдан порлаб турган кишига кўзи тушиб, гарчи танимаса-да, саломига очик чеҳра билан алик олади. "Опа, бормисиз, омонмисиз? Сизни соғ-саломат кўранимдан хурсандман", дейди йўловчи мамнун жилмайиб. Аянинг: "Ўзингиз яхшимисиз? Оилангиз, болалар тинчми?" деган сўровига, у секин: "Худойимга шукр, болаларингиз оиласи билан тинч-тотув яшашяпти. Набираларингизнинг ҳам бўйлари чўзилиб қолган", дея жавоб беради. "Омон бўлинглар, қадрдонларим, омон бўлинглар", дея онахон йўлида давом этади.

## НИЯТЛАРИ ЎЗИГА ЙЎЛДОШ

Андижонлик Одинахон опа Фозилова ҳаётида бундай воқеалар кунда-кунора такрорланади. Бир умр инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилган онахон бу каби суҳбатлардан куч-қувват олади.

— Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Олтинкўл туман марказий шифохонасининг туғруқ комплексида ишладим, — дейди Одинахон опа. — Қанчадан-қанча чақалоқларга доялик қилдим. Аёллар шифокорининг иши қизиқарли, шу билан бирга масъулиятли. Чақалоқ дунёга келса, бир оила қувончга тўлади. Боласини бағрига босган оналарнинг юз-кўзлари бахтдан ёришганида: "Қандай яхши касбни танлаган эканман", дея қувонган кунларим жуда кўп бўлган. Мамлакатимизда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда қўл қовуштириб ўтиришни ўзимга эп кўрмай, пенсияга чиққач, 2010 йилда "QROM-SHIFO" масъулияти чекланган жамияти қошида хусусий шифохона очдик. Ишласам мириқиб, маза қилиб

яшайман. Одамларга кераклигимни ҳис этаман. Ишлаб ўрганганингиздан кейин, бекор ўтира олмас экансиз-да. Ишга чиқмаган куни касал бўлиб қоламан.

Одинахон опа мамлакатимизда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва савиясини юксалтириш, турли юқумли касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилаётганини мамнунлик билан эътироф этади.

— Бугун тиббиёт ривожланиб кетди, — дейди у. — Биз иш бошлаган пайтларда туғруқхоналарда ҳозиргидек шароитлар бўлмаган. Ондаги турли хасталикларнинг асоратлари туфайли туғруқлар жараёни қийин кечган ҳолатларга тез-тез гувоҳ бўлардик. Эндликда эса туғруқхоналарнинг ҳаммаси замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Гўдак туғилиши билан онанинг бағрига берилади. Она сутидан баҳраманд бўлади. Ҳали туғилмасида-



### Замондошларимиз

га малҳам қўйиш илмидан ҳам сабоқ беради.

— Қизлар шифокорлик касбини танласа яхши-да, — дейди суҳбатдошим. — Айниқса, шифокор, ҳамшира келини бор оилаларга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Ахир, иссиқ жонмиз. Бир дарддан азият чекиб, "ох", деб турганимизда жонимизга оро кирадиган мададкоримиз ўз яқинимиз бўлса нур устига аъло нур эмасми?!

Одинахон опа турмуш ўртоғи Ҳасанбой ака Фозилов билан икки қизни воёга етказишди. Шахлохон гинеколог. Гулчехраҳон ҳам онаси касбини танлаган. Невараларининг бийрон-бийрон сўзлари эса кўнгилни завққа тўлдирди.

— Шу кунларда Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Маҳаллалардаги, шаҳарлардаги ободликни кўриб, одамнинг тўзи кувнайди. Энг қувончли томони, қадр-қиммати баланд тутилганини ҳис этгани сайин одам куч-қувватга тўлиб бораверар экан. Насиб этса, аёллар хасталикларини даволашга ихтисослаштирилган саломатлик марказини ишга туширсак, деган орзуларим ҳам бор. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, хонадонларимиз обод. Шу сабаб кўнгилдаги ниятларимиз ҳам баландлаб бораёпти. Илоҳим, мана шундай дорилмон ҳаётимизга, жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин, — дейди Одинахон опа фахрга тўлиб.

**Ҳамроҳон  
МУСУРМОНОВА,  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.  
Андижон вилояти.**

Ўз оиласидаги муаммони кўчага олиб чиқмасдан, уйда, муроса йўли билан ҳал этишга ўрганган қаҳрамонимиз маҳаллада ҳам шундай йўл тутгани учун кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Балки, шунинг учун ҳам шаҳар миқёсида мазкур маҳалланинг нуфузи баланд, эътиборлиси, пойтахтимизда энг тинч маҳалла, деб эътироф этилгани мақтовга лойиқ.

Зулфия Асатуллаева ўн йилдан буён Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи. 4400 аҳоли яшаётган маҳалладаги 348 та хонадонни синчиклаб ўрганиб, 696 та оиланинг энг яқин дилдошига айланган қолган. Бундан ташқари, яна бир қанча юмушлари ҳам борки, булардан ортиб, баъзан ўз оиласидаги юмушларга ҳам вақт тополмайди. Бўлмаса, шундоққина маҳалла гузари биқинида жойлашган уйига кунни кеч қилиб, яна айрим муаммоли ишларни битиролмаганидан афсусланиб, кириб борармиди?!

— Ишонасизми, ҳар бир тўсиқни энгганимда ўша кунни мендан бахтлироқ аёл бўлмайди дунёда. Чунки маҳалладошларимнинг

## МЕҲР ВА МАСЪУЛИЯТ ТАРОЗИСИ



юз-кўзларидаги миннатдорчилики кўрсам, янада руҳим кўтариларди, — дейди Зулфия опа. — Баъзан тун ярмида кўнғирок бўлади, бу ёғи ўзбекчилик дегандек, бирор хонадонда арзирли-арзимас муаммо чиқади. Ўзларига яқин олиб, мендан маслаҳат сўрашади. Боранман. Бундан ташқари, касбухона коллежи битирувчиларининг бандлигида, кексалар ва беморларни поликлиникаларда тез-тез назоратдан ўтишига ҳам масъулмиз. Ҳар куни камида иккита хонадонга кириб суҳбатлашаман, муаммоларини ўрганаман. Маслаҳатчининг иши маҳалла ҳаёти-

га сингиб кетгандагина билинади. Шунинг учун ҳам бизнинг маҳаллада, кўз тегмасин ишқилиб, ҳозирча рўйхатга олинган нотинч оила ёки жиноятчи ўсмирлар йўқ.

"Маҳаллада шарқона фикрлаш, иш кўриш муҳим масала ҳисобланади. Сизнинг фаолиятингиз ана шундай мезонларга асосланганми?" — деган саволимизга Зулфия опа босиқлик билан, чуқур мулоҳаза қилган ҳолда жавоб беради:

— Ҳар бир ишни муомала, ширинсўзлик ва муроса йўли билан ҳал қилиш миллий одатларимизга киради. Одамларнинг кўнглини то-

пиш, уларни тўғри йўлга сола билиш муҳим. Масалан, яқинда бир низоли келин-куёв билан гаплашдим. Ораларида арзимаган масалада жанжал чиққан. Обдон тушунтирдим, иккаласи ҳам ўз хатоларини тан олишди ва хонамдан ярашиб, хурсанд бўлиб кетишди. Лекин, баъзан шундай муаммолар ҳам бўладики, икки-уч киши ҳал қилолмайди. Бундай пайтда кўпчилик йиғилиб, бамаслаҳат ҳолда келишиб оламиз.

Маҳалла фаолларининг таъкидлашича, 80-90 ёшдан ошган қариялар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиш, совғалар тақдим этиш, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини хотин-қизлар билан поликлиника ходимлари тиббий маданиятни ошириш бўйича суҳбатлар ўтказиш, хайрия ҳашарлари ташкиллаштириш, "Ораста қизлар давраси"ни қўллаб-қувватлаш аънаёнага айланган.

— Болаимизга яхши ўқи, дейишимиз учун, аввало, ўзимиз ана шундай фарзандларни тарбиялашимиз керак. Нотинч оила билан суҳбатлашаётганимда ўзимнинг оилам кўз ўнгимда ту-

### Маҳалла маслаҳатчиси

ради. Худого минг қатла шукр, тўрт фарзандим бор: катта ўғлим Шерзод фирмада менежер, қизларим Дилноза ва Нилуфар моҳир чевара, кенжам Дилшод Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил оляпти. Келиним Дилноза бўлажак шифокор. Набираларим Мубина ва Муҳаммадали менинг овунчоларим. Оилам билан бирга бўлганимда барча ташвишларни, қийинчиликларни унутаман. Турмуш ўртоғим Нурулла ака менга ҳар доим далда беради. Кўп ишларимда уларнинг маслаҳатларига суянаман.

Аёлнинг бахти унинг оиласида, оиланинг бахти эса ҳар томонлама тадбиркор, идрокли аёлнинг борлигидир. Зулфия Асатуллаева ана шундай бахтга эга аёллардан. Оиласидаги хотиржамлик сабаб касбида бахтиёр ишлаётган бўлса, соҳага меҳр ва масъулият сабаб хонадонда фаровон турмуш ҳукмонди. Юртимизда ана шундай бахти барқ урган аёллар кўпаяверсин!

**Камола АДАШБОЕВА,  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.**

Гулсала Абдуллаева ҳали катта санъат остонасида турган бўлса-да, "Қолдим", "Ёмғир" ва бошқа бир нечта дилтортар кўшиқлари билан мухлислар меҳрини қозонишга улгурди.

Гулсала АБДУЛЛАЕВА,  
"Ниҳол" мукофоти совриндори:

## БАХТЛИ АВЛОД ВАКИЛАСИМАН!

— Асли Наманган вилоятида туғилиб ўсганман, — дейди суҳбатдошимиз. — Ёшлигимдан санъатга астойдил меҳр кўйдим, ўқиб, изландим, меҳнатим зое кетмади. 2013 йилда "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлгач, Тошкент давлат консерваториясига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Жиддий синовлар бошланди, устоз санъаткорлар сабоқларидан баҳраманд бўлиш насиб этди.

Кўшиқларим ҳали кўп бўлмасда, тингловчиларнинг илиқ муносабати, ҳурмати сезяпман. Муваффақиятларимдан севинган чоғларимда ҳам ортга бир қур назар соламан, кибрланиш, ҳаволаниш менинг табиатимга умуман ёт эканини англайман. Ҳар қандай вазиятда ҳам санъат аҳлини қўллайдиган, керак бўлса ҳатто осмонга чиқса, ерга тушириб қўядиган ҳам мухлислар эканини унутмайман.

— Санъат катта меҳнатни талаб қилади. Шоу-бизнес оламининг эса ўзига яраша ёзилмаган қондалари ҳам бор. Айрим хонандалар ўзларича бу борада англик яратишга зўрма-зўраки уринишади. Бундай пайтда сиз қандай йўл тутасиз?

— Бор истеъдодимни машаққатли меҳнатим орқали юзага чиқаришни биринчи ўринга қўяман. Санъат тинимсиз изланиш, қобилиятни чархлаш, уйқусиз тунлардаги машқлар билан сайқалланади. Шинавандалар билан юзма-юз кўришиб, ўз истеъдодингизни намойиш этаркансиз, чиройли кўринишингиз, хушфеъл бўлишингиз керак. Биз одамларнинг кўз олдига намоён бўламан, кийинишимизга, ўзимизни туттишимизга, муомаламизга қараб бизга, санъатимизга ҳолис баҳо беришади. Шунинг учун ҳар бир либосни танлашда, юриштиришимда ўзимдан катта опаларим, оила аъзоларим, қолаверса, мутахассис дизайнер ва стилист билан узоқ маслаҳатлашаман. Ҳар бир нарсада меъёрни сақлашга, миллийликни асрашга интиламан.

— Одатда айрим ота-оналар аксарият ҳолларда қиз боланинг санъат йўлини танлашига қарши бўлишади. Сизнинг ота-онангиз бу борада қандай муносабат билдиришган?

— Отам Анвар Абдуллаев Наманган санъат коллежида таҳсил олган, муסיқа борасида кўп йиллик тажрибага эга мураббий. Онам Гулойим Эгамбердиева эса она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. Отам болалигимдаёқ истеъдодимни илғаб, менга санъат борасидаги билимларни бера бошлаганлар. Ўша кезларданок уйимдагилар менга, насиб этса, санъаткор бўлишинг керак, деб сингдиришган. Баъзан отам иккимиз тинггача мумтоз ашулаларимизни

машқ қилардик. Онам эса хавотирга тушиб: "Жуда кеч бўлиб кетди, энди дам олинглар", дерди. Илк бора катта саҳнага чиқиб, "Тоҳир ва Зухра" достонидаги "Отмагай тонг" ашуласини жонли ижрода куйлаганман. Дам: "Санъат бу ўткинчи ҳою ҳавасдан иборат эмас, унинг ҳар қандай машаққатига бардош бериш, қийинчилик ва турли зарбаларга чидамли бўлиш керак", дейдилар.

Синглим Одинахон ҳам санъаткор бўлиш истагида. Унинг овоз диапазони анча кучли. Авж пардада миллий ашулаларимизни бемалол айта олади. Ҳозирда Ватанимиз мадҳини тараннум этувчи "Биз буюк юрт фарзандларимиз" ҳамда "Ялли-ялли" номли тароналарни яратди. Ота-онам уни ҳам худди мен каби қўллаб-қувватлашмоқда.

— Устозлар маҳорат билан ижро этган ашула-кўшиқларни "кўчирма" қилиб куйлаётган кўшиқчиларга қандай баҳо бера-сиз? Бу нима, ўзига хос бренди, ёки?..

— Балки, кўчириб куйлаш нотўридир. Чунки ҳар бир хонанданинг ўз услуби бўлиши керак-да. Лекин ўз ўрнида маромига этказиб куйланса, оҳанглари, авжи ва қочиримлари жойида ишлатилса, дуруст. Балки ёш ижодкорларга тўсқинлик қилмай, имконият яратиб бериш керакдир. Сабаби, шу орқали устоз санъаткорларимизнинг дурдона асарлари эсга олинмоқда, қайта тикланмоқда. Ўзим



ҳам машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодировнинг бир нечта кўшиқларини куйлашга ҳаракат қилдим. Ижродан олдин анча вақт пухта тайёргарлик кўрдим. Устозларим билан маслаҳатлашдим, йўл-йўриқ кўрсатишларини сўрадим. Баҳони эса мухлислар беришади.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Ҳали ҳаммаси олдинда, машаққатли синовлар, элдошларим эътирофига сазовор бўлмоқ учун бор маҳоратимни ишга солмоғим керак. Айниқса, санъатга қалбингизни бермасангиз, меҳр билан бел боғламансиз, узоққа боролмайсиз. Замонавий услубда куйлаган маҳзун ва

Гурун



шўх тароналарим билан танилаётган бўлсам, уйда имконият туғилиши билан мумтоз ашулаларимиздан ҳам куйлаб машқ қиламан. Жамоамиз билан келажакда албатта, миллий йўналишда ҳам ижод қилиш режаларимиз бор. Устозларимдан ўрганиб, биздан кейинги авлодга ушбу санъат дурдоналарини асл ҳолича этказиб бериш энг катта ниятларимдан биридир. Бунинг учун йиллар давомида тажриба орттиришим, билимимни оширишим керак.

Ҳозирги ютуқларимга эришишимда мени қўллаб-қувватлаган ота-онамдан, қолаверса, фидойи инсон, ҳар доим мени қўллаб-қувватлаган ижодий ҳамкорим Саид Хўжақулвондан миннатдорман.

— Бугуннинг ёшлари жуда бахтли-да, деган гап давраларда тез-тез кулоққа чалинади. Айтинг-чи, ёшлар ҳис этаётган бахт нимада?

— Чиндан ҳам катта авлод вакиллари бизга ҳавас билан қарайдилар. Бизнинг бахтимиз — улуғ истиклол даврида дунёга келганимиз, давлатимиз томонидан барча имконият эшикларининг очиқлиги, йўлларимизнинг раволигидадир. Ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борада ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестиваллар ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни олганман. "Ниҳол" мукофоти соҳибаси бўлдим. Нафақат санъат, балки бошқа соҳаларда ҳам тенгдошларим ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда.

Наврўз сайли, Ватанимиз мустақиллигига бағишланган шодиёналар ва турли байрам кечаларида, бир сўз билан айтганда, нуфузли саҳналарда менинг тенгдошларим — мустақиллик фарзандларига ўзликни намоён этиш имконияти берилаётгани бизларни янада кўпроқ изланишга, интилишга ундамоқда. Куни кеча қадим Самарқандда яқунланган "Шарқ тароналари" халқроқ муסיқа фестивалининг очилиш маросимида "Зилолинг" номли кўшиқни Раҳод Аъзамов билан биргаликда куйладик.

Шаҳноза **ТОЖИДДИНОВА**  
сўхбатлашди.



**МЕЗАНА** — миноранинг энг юқори қисми, муаззин азон айтадиган жой мезана деб аталган. "Тарих атамалари луғати"да изоҳланишча, мезана айлана шаклида ва кўп қиррали, кўпинча равоқсимон дарчалар галереясида иборат бўлади. Ички деворлари ганч билан нақшланади. Мезананинг тепаси одатда гумбазча билан ёпилади.

Сайёҳлар миноранинг бетакрор мезанасига ҳайрат билан қарашарди.  
Газетадан

**ЛАУРЕАТ** — "Лауреат" сўзи лотин тилидан кириб келган. Бу сўзнинг илдизи унинг шаклидан кўриниб турибди. Яъни "лауреат" сўзи таркибида "лавр" сўзи бор. "Лауреат" сўзи "лавр япроғидан қилинган" деган маънони англатган. Бирор соҳада мукофотга сазовор бўлганларни "лауреат" деб ҳам атайди.

Нобель мукофоти лауреати

**КҮМОЧ** — ўтмишда иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон "кўмоч" деб аталган. Бу сўзнинг "кўмач" шакли ҳам бор.

Кўчиб кетар вақтида Зебо, Ёзи келса ер деб, бироз унни кўмач қилиб, кўрга кўмиб кетган эди.

"Ёзи билан Зебо" достонидан

**ДОВОТ** — "Довот" сўзи тарихда сиёҳдонни ифодалаган. "Тарих атамалари луғати"да изоҳланишча, довот қадимги Шарқ мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда кўпинча жездан куйилган ёки лойдан ясалган. Хитойда у чиннидан ясалган. Қаламдоннинг бир четига ўрнатилган тури "довот-қаламдон" деб аталган. Европада довот шиша ва оқ чиннидан тайёрланган.

Балхдан ҳориб қайтган  
Алишер мисол,  
Энди тўлғизганди чўккан  
довотин.

Кетди пок бир сиймо,  
теран бир хаёл,  
Қолдириб дунёда ҳеч  
ўчмас отин.  
Абдулла Орипов

**ДУБУЛҒА** — илгари тиг ёки ўқдан сақланиш учун темир ва пўлатдан ясалган бosh кийим "дубулға" деб аталган. Бу сўзнинг "давулға", "толбоға" шакллари ҳам бўлган. Шунингдек, қадимда мудофаа мақсадида бошга кийиладиган жез қалпоқ "ашиқ", "йашиқ" сўзлари билан ҳам ифодаланган.

Саросар бўлди қалқон ики пора,  
Давулғадан дағи қилди гузара.  
"Гул ва Наврўз"  
достонидан

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан ўзгаришлар, ҳайратомуз бунёдкорлик, янгиликларга дуч келасиз. Атрофи гулзор, обод, турмуши шаҳардаги шароитлардан қолишмайдиган қишлоғу овуллари айтмайсизми? Шу маънода пойтахтимизга туташ бўлган Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ҳам кейинги йилларда деярли барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар барчани қувонтирмоқда.

Кумовул қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда барпо этилган замонавий уйлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо расталарини кўриб кўзлар қувонади. "Қорасув" қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи тadbиркор Раҳмон Отақуловнинг ташаббуси билан замон талабларига мос равишда қурилган икки қаватли савдо уйи, ошхона ва омборхона бинолари ҳоли ҳизматиди.

— Бизни оилавий тadbиркорлар, деса ҳам бўлади, — дейди Раҳмон Отақулов. — Аввалига бундай катта ҳажмдаги қурилишни бошлашдан битказишгача бўлган жараён бир оз қийинчилик туғдирадигандек туюлганди. Туман ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг ёрдами туфайли бу иншоотни энг улғу, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширдик. Натижада 15-20 ишчи ўрни яратишни кўзлаяпмиз.

Ҳамжиҳатлик, аҳиллик барқарор бўлган жойда хайр-барака, тараққиёт тезлашади. Айни пайтда туман миқёсида ишбилармонлик муҳити шаклланиши боис оилавий тadbиркорликнинг иқтисодий бағди улуши кескин ошиб бормоқда.

— Тақдир экан-да, умримнинг айни гуллаган даври уруш йилларига тўғри келган, — дейди **Қорасув маҳалласида яшовчи 90 ёшли Марям ая Фахрудинова**. — Ўзим татар миллати фарзандиман. Толеим кулганини қарангки, шундай жаннатмонанд юртда яшайман, ризқин бутун экан-да, яхши оилага келин бўлдим, тўрт фарзандни воғага етказдим. Ўзбек халқининг меҳрибонлиги, бағри кенлиги намунасини Ўзбекистоннинг бир парчаси ҳисобланган Ўрта Чирчиқ туманида кўрдим. Яратганининг инояти бўлса керакки, шундай табаррук ёшларга етиб, ота-боболаримиз кўрмаган, орзу қилган ёруғ, фаровон даврларда яшашдек улғу бахт насиб этди. Ҳалигача эсимдан чиқмайди, болам, бир замонлар хароба, пастқам,

## Истиқлол имкониятлари

# БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ КЕНГАЙМОҚДА



гувала, хом гишт, лойдан қурилган уйчаларда одамлар яшарди. Қимматчилик, қаҳатчилик, қатагон даврларидаги воқеаларни неварачевараларимга айтиб берсам, "Бувижон, киноларда кўрганмиз, ҳақиқатми, эртаки?", деб ҳайратда қолишарди. Бугунгидек тўқчилик, тинч-осойишта кунлар кимнинг тушига кирганди. Шундай дориломон кунларга етказганига шукр қилайлик. Илоё, юртимиз ҳамиша гуллаб-яшнайверсин. Ёшларимиз бахтли яшасин, мустақилликка кўз тегмасин!

Туманда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, туманда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини юритиш мақсадида ҳокимлик, тижорат банклари, тегишли ташкилотлар Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда сўнгги уч йил ичида жами 365 та фермер хўжаликлариди 14 йўналишда истиқболли лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

— Фермерларимизнинг мулкка эгалик ҳиссини чуқур англаганлиги туфайли интенсив боғлар ташкил этиш, сервис хизматлари, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, балиқчилик, насли молларни етиштиришга катта эътибор беришаётганлиги натижасида, жами 634 та лойиҳа бажарилиб, 517 мавсумий ва 117 доимий иш ўринлари яратилди, — дейди **туман Фермерлар кенгашининг иқтисодий таҳлил бўйича мутахассиси Музаффар Худойкулов**. — Шунингдек, "Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хўнакорликлари ва олий ўқув юрлари базасида фермерларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш"

мавзусида Агросоноат ва транспорт коллежларида ўндан ортиқ семинар-тренинглари, суҳбатлар, очик мулоқотлар ташкил этилди. Мақсадимиз бўлажак ёш фермерларни ўз мутахассисликлари сир-асрори билан таништириш ва мақсадли фикрлар билан ўртоқлашишдир. Биргина мисол, туманимиздаги "Мирзакаримов Тешабой ота" фермер хўжалиги ўзининг нафақат тadbиркорлиги, балки меҳнатни тўғри ташкил этиш баробарида йил сайин даромад манбааларини кўпайтириш тажрибаси кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Хўжалик раҳбари Тешабой ака 2003 йили 225 гектар ер майдонида иш бошлаган бўлса, шу кунга қадар қувонарли ютуқларни қўлга киритди. Айни дамда фермернинг техникалари сони кўпайиб, ишдаги унуми ошмоқда. Бундан ташқари, бир нечта кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиб бериши, дорихона, ошхона, сартарошхона, чойхона ва тўйхона каби маиший хизмат турларини ташкил этиб, эллиқдан зиёд иш ўринлари яратгани ҳам кўпчиликка намунадир.

Бу йил туманда галладан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Айни дамда пахта йиғим-терими мавсумини ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш, шунингдек, кузги-қишки юмушларга тайёргарликни кучайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Айтиш мумкинки, байрам шодиёналарга эш халқимиз эртанги келажаги учун йўл очганидан беҳад бахтиёрдир.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
**"Оила ва жамият"**  
**муҳбири.**  
**Тошкент**  
**вилояти.**

## ФАОЛИЯТ

## ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва унга турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилингани беҳиз эмас. Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилада никоҳнинг барқарор бўлиши, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида, шунингдек, тегишли қонунларда ўз ифодасини топган.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳар бир йилнинг ўзига хос номланиши ҳам олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, изчил ва истиқболли гоёлар, тамойиллар замирида, энг аввало, оила тақдир, келажак авлодга ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу мақсадлар ётганидан далолат беради. Хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари Бош Қомусимиздан ташқари шунингдек, Оила, Фуқаролик, Меҳнат кодекслари ва бошқа бир қатор қонун ва ҳуқуқат қарорларида ўз ифодасини топганлиги билан эътиборга моликдир.

Мамлакатимизнинг бугунги тараққиётида фаол меҳнат ресурсларининг 45 фоиздан зиёдин хотин-қизлар ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида аёллар етарли мавқега эгаллиги ҳам аҳамиятли. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хотин-қизлар миллатидан қатъий назар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг яратувчиси ва фаол иштирокчиси сифатида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бормоқдалар. Бунинг учун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилган.

**Юлдуз ХОЛБЕКОВА,**  
**Каттақўрғон туман ФХДЁ бўлими мудир.**

## КўНГИЛ

## БЕБАҲО БОЙЛИК

Эрталаб уйқудан турган одам кун давомида уни нималар кутаётганини, бугуни қандай ўтишини билмайди. Мўъжизаларга бой дунё ҳикматга йўғрилганини ўйламайди. Бирор жойга кеч қолса, ёки режалаштирган ишларимиз кўнгилдагидек чиқмаса, дарров асабийлашамиз. Ҳар қандай воқеа ортда яна бир янги воқеалик кутиб турган бўлиши мумкинлигини ўйламаймиз. Дейлик, сиз тонг саҳардан ишга ёки ўқишга шошяясиз. Шу пайт, ҳамиша ўз вақтида келадингиз автобус нега айнан бугун кечикаяпти, деб жигибийрон бўлдингиз. Кутаётган автоуловингиз келгач, боришингиз керак бўлган жойга ўз вақтида етиб борманингизни билганингизда ҳам лоақал бир маротаба "шукр" айтдингизми?..

Яқин инсонингизнинг бетоблиги, кун сайин оғирлашиб бораётганини кўриб ғам чекдингиз. Атрофингиздаги одамлар бу касалликка бепарво қарамаслик, йўқса, яқуни аянчли оқибатлар билан туғаш мумкинлигини ҳаётий мисоллар асосида айтиб беришди. Хавотирдан юрагингиз парчаланиб, яқинингиз билан шифохонага борманингизда, у ердаги оғир беморларни кўриб, чидолмасдан йиғлаб юбордингиз. Қариндошингизни ташхисдан ўтказгач, шифокорнинг яқуний хулосаси шундай бўлди: "Хавотир оладиган ҳеч нима йўқ. Сизлар гумон қилган ёмон хасталик эмас экан, бир оз муддат даволаниш муолажаларини олсалар, бас. Ҳаммаси яхши бўлади", — деган қанотбахш сўзларини эшитиб, шу ондаёқ унга жавобан "Минг раҳмат сизга, умрингиздан барака топинг!" дея ҳаяжонли миннатдорчилик билдирасиз, лекин айнан шу лаҳзада сиз яна чин қалбдан биргина "шукр" деб қўйишни унутасиз...

Меҳрибонлик уйи ёнидан ўтаб кетаясиз. Панжаралар орасидан миттигина қўлларини узатаётган кўнгирак сочили қизалоқ сиздан уни ўзингиз билан бирга олиб кетишингизни сўради. Сизга яхши қиз бўлиши, айтган топирақ ва уй юмушларингизни сўзсиз бажариши ҳақидаги ваъдаларини берди. Лекин бунга имкон ёки зарурат бўлмаганлиги сабабли, уни олиб кетмадингиз. Хўш, ўша пайтда, сиз ўша қизалоқдан фарқли равишда ота-онангиз бағрида воғага етганингиз ва яқинларингиз доимо ёнингизда эканлиги учун шукроналик билдирдингизми?..

Кеча қўшнингиз уйда жанжал чикди. Эр-хотиннинг қулоқни тешиб юборадиган даражадаги бақир-чакирини, бир-бирига айтаётган миннатомуз сўзларини эшитиб, ҳайратдан ёқамни ушлаб қолдим. Бу келишмовчиликнинг сабаби қўнқўшиллар орасида авж олган гийбат ортидан экан.

Эшитган бу воқеаларни бувимга айтиб берсам, чуқур уйга ботди ва секин шундай деди:

— Шукрона қилишингиз ўзи бир ҳикмат, қизим. Бундай ҳаётий мисоллар мағзини ҳар биримиз ўз тафаккур тарозимизда тортиб кўриб, хулоса чиқармоғимиз керак. Ҳаёт тегиримонга ўхшайди, яхшилик ҳар доим ҳам ёмонлик устидан голиб келавермайди, ёки савоб деганимиз баъзан гуноҳга айланиб кетганини ҳам кўп кўрганмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг ҳар бир синовига шукрона айтишимиз керак!

Демак, азизлар, ўтаётган умримизнинг ҳар лаҳзаси, кўни эмас, ҳатто олаётган ҳар нафасимиз бебаҳо, қадрли. Ҳеч нарса вақт ўрнини боса олмайди. Чунки у бизни эзгулик, бахт-саодат сари элтади. Шукр эса бу йўлда бизга қанот бўлади.

**Ширинхон МЎМИНОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси.**

**Юзи офтобда қорайган, тиниб-тинчимаслиги, жонкуярлиги шундоққина кўришиб турган етмиш ёшлардаги онахон таҳририятимизга кириб келганида, “Шу ёшида қандай ташвиш билан юрган экан?” деган савол кўнглимдан ўтди.**

— Мен анча йиллардан бери газетангизнинг ҳар бир сонини ўқиб бораман, — деб гап бошлади ая. — Ўзим пенсияда бўлсам ҳам: “Энди кексайдим, ёшлар ишласин”, деб ўтиролмайман. Бир парчагина томорқамда невараларимни ёнимга олиб деҳқончилик қиламан. Ҳовлимдаги тоқларни парваришлаймиз. Ҳосилини сотиб, болаларнинг кам-кўстига ишлатамиз.

отинойилари ҳам ўртага тушишди. Аммо икки қудани келиштириб, ёшларни яраштириб бўлмапти. Қаранг, айрим оилалар мана шундай арзмаган сабаблар билан бузилиб кетаяпти-да. Ота-онаси-ку пешонасида бўлса, яна турмуш қуради, аммо ўртадаги қорақўзларнинг холи нима кечади? Улар тирик етим деган тавқи лаънатни бир умр бўйнига осиб

## “ЎҒЛИМНИ СУДГА БЕРМОҚЧИ ЭДИМ...”



Икки келиним, бир қизим бор. Етти неварам ёнимга кириб қолган. Худога шукур, ўғил-қизимнинг уйи тинч. Ҳаммаси ишлайди, келинларим ҳам уйим-жойим деб ҳаракат қилишади. Ҳаётимдан нолимайман.

Кейинги пайтларда айрим ёшлар тўқликка шўхлик қилибми ёки замона заили биланми, ҳаётга энгил қараётгани оқибатида оилалар бузилиб кетаётганидан ташвишланганим учун сизларнинг олдингизга келдим. Мана, шу кунларда бўлаётган бир воқеани айтишнинг ўғли икки фарзандлик бўлганида “сен-мен”га бориб, хотини билан ажрашмоқчи бўлиб юрибди. Келин жаҳл устида қайнонасининг ҳамиятига тегадиган гап айтганмиш. Қўшним билан гаплашиб, ёшларни яраштириб қўйинг, икки неварангизни етим қилманг, десам: “Келиним мендан кечирим сўрасин”, дейди. Келиннинг отаси эса: “Хизматида юрган қизимга яхши муомала қилмайди. Болам бечора қайнонасининг қош-қовоғига қарай-вериб сарғайиб кетди. Қудам ўзи келиб биздан кечирим сўрасин, кейин қизимни юбораман”, деб оёқ тирайди. Бу оиланинг пароканда бўлишига арзирли сабабнинг ўзи йўқ. Келин: “Ойижон, мени кечиринг, ёшлик қилибман”, десам олам гулистон эди. Қайнона ҳам ўғлининг ҳаётини ўйлаб, бир поғона пастга тушса, осмон узил-иб ерга тушмас, икки невараси ўртада сарсон бўлмасди.

Ҳар қанча уринмайин, уларни муроасага келтира олмадим. Махалланг оқсоқоллари, кайвони ва

юриши осонми?!

Биз ҳам келин олганмиз, қиз узатганмиз, ўғил-қизимизнинг уйини уй қилгунча, ёшларни баҳамжиҳат яшаб кетишларига эришгунча сочимиз оқариб, юзимизга ажин тушган. Балки бошимиздан ўтган синовлар ҳақида айтиб берсам, бошқалар ҳам ўзларига хулоса чиқариб олишармиди?..

### “Жаҳл устида ўғлимни судга бермоқчи бўлганман” деб қолди тўсатдан онахон.

Турмуш ўртоғим иккита келин олганимиздан кейин оламдан ўтди. Катта ўғлим анча ақлли эди. Аммо кичиги мени жуда кўп куйдирган. Ха деганда хотини билан жанжаллашар, келиним ҳам бир гапдан қолай демасди. Охир-оқибатда ўғлим қўлига эрк берар, унинг мушти зарбидан келиним шўрликнинг юз-кўзлари кўкариб юрарди. Боласига тушган тасқанининг зарби онанинг юрагини зирқиратади. Келинимга аччанганимдан: “Эрингизга гап қайтарманг, жаҳл чиққанида индамай турсангиз, кейин ҳовури босилиб қолади”, деб насиҳат қилардим. Аммо ёш эмасми, гапимни қулоғига олмасди. Аслида ногиронми, хастами, бойми, камбағалими, нима бўлса ҳам оилада отанинг бўлгани яхши экан. Чолим тириклигида: “Хап сеними, даданг

келсин, айтиб бермасамми”, десам, ўғлим ўша заҳоти ювош тортарди. Хотинига кўл кўтаролмасди. Лекин отасидан кейин уни сира йўлга солмай қолдим. Айниқса, улфатлари билан кўчада маишат қилиб келганидан кейин арзмаган баҳоналар билан келиним билан уришиб-жанжаллашса, ўзимни қаерга қўйишни билмай қолардим. Бу тўполонлардан юрагим зардобга тўлганди. Болангиз кап-катта киши бўлганида унга кучингиз етмаслиги, йўлга сололмаслигингиз, иложсизлигингиз ҳам одамни эзиб ташлар экан. Устига-устига келиним кетмакет икки қизлик бўлди. “Нега қиз туғаверасан”, деб ҳам ўғлим худди у айбдордек бечоранинг кўзини очирмасди. Ҳар куни куёш ботиб, оқшом чўка бошласа юрагим сирқираб турар: “Ишқилиб яна эр-хотин уришмасин-да”, деб хавотирда ўтирдим.

Келиним учинчи фарзандини дунёга келтирганида унинг ҳам қиз эканини эшитиб оёқ-қўлим бўшашди. “Энди нима қиламан”, деб ўйимнинг охирига етолмасдим. Ўғлим акасининг ҳам, менинг ҳам гапимга қулоқ солмайдиган даражага етганди. Келинимни касалхонадан олиб чиққач, яна жанжаллашиб кетишмасин, деб бир ой ўғлимни унинг ёнига йўлатмай қоровул бўлиб ўтирдим. Бир куни маҳаллага бешик тўйга чиқи кетибман-да... Қайтаётиб кўча бошига етганимда қулоғимга куй-чув, бақир-чақир товушлари эшитилди.

Оёғимни қўлимга олиб югуриб келсам, ўғлим келинимни аямай савалаяпти. У курмағур ҳам калтак есаям жаврашдан тўхтамаяпти. Оғзи бурни қонга тўлган. Шу ҳолида уйга киришга уриняпти. Маълум бўлишича, чақалоғи бешиқда экан. Она-я, она... Ўзи калтак еса ҳам боламга зиён етмасин, дер экан-да. Келинимни бир амаллаб ўғлимнинг қўлидан ажратиб олдим. Шовқин-суронни эшитган кўшнилари қудамга хабар етказишган экан. Улар етиб келишди-ю, ҳай-ҳайлаганимга қарамай келинимни уч боласи билан машинага солиб олиб кетишди. Нима қиларимни билмайман. “Эр-хотиннинг муроаси келишмаяпти”, деган баҳона билан ажратиб юборай десам, уч норасида етим қолади. Устига-устига уришиб-талашса ҳам шунча йиллардан бери эр-хотин бир-бири билан ёвлашмадимми, демак, яшаб кетишларига умид бор. Онамдан-да, куйдирса ҳам боланимни ўйлайман. Келинимнинг уч акаси уч тарафдан энг шимариб келса-ю, синглимизни урадиган сенмасин, деб боланимни калтаклай кетса нима қиламан, деган ҳадик юрагимни тирнайди. Агар қайноғалари келиб уни урадиган бўлса, кейин келинимни ортага қайтаришнинг иложи бўлмай қоладими, деб ҳам кўрқаман. “Нима бўлса бўлсин, қайноғаларидан калтак егандан кўра, яхшиси судга бераман, қилмишига яраша жазосини олсин”, деган қарорга келдим. Қўлларим қалтираб, йиғлай-йиғлай: “Ичиб, маст бўлиб, келинимни калтаклайвергани учун

### Буни ҳаёт дейдилар

ўғлимнинг устидан арз қилиб келдим”, деб туман прокуратурасига ариза ёздам-да, аввал қудам билан гаплашайин, деб йўлга отландим.

Кириб борганимда кун кеч бўлганди. Эркак-аёл қудаларим, қариндош-уруғлари билан йиғилиб ўтиришган экан. Келинимнинг жароҳатларига малҳам суртиб, юзини рўмол билан тангиб боғлаб қўйишибди.

— Жоним болам-ей, сени ургунча ўғлимнинг қўли синса бўлмасмиди... Аҳволингни кўриб, юрагим эзилиб кетаяпти. Мени кечир, шундай бебош ўғилни ўстирган нобоп онани кечир, қизим, — деб уни бағримга босганимни биламан, келиним ҳам мени кучоқлаб йиғлаб юборди. Қайнона-келин анча пайт бир-биримиздан ажралишолмадик. Қудаларим мени уришиб-ҳайдаб, чиқариб юборишармикан, деб ўйлагандим. Ҳартугул, ундай қилишмади.

— Қудажон, сизларни тушуниб турибман. Болангизнинг аҳволини кўриб, бизни сираям кечирмасангиз керак. Мен ҳам болаларимнинг оиласи тинч бўлишини истайман. Лекин ўғлим курмағурга сира ақл кирмаяпти. Биласиз, бошимда чолим йўқ. Сиз куёвингизга ота ўрнида отасиз, шунинг учун ўзингиз бир маслаҳат берарсиз деб келавердим, — дедим кўзим тўла ёш билан. Негадир ўша пайтда: “Ўз боламни ўзим судга бермоқчиман, бир жазосини олсин”, деган гапни айтолмасдим. Нуқул томоғимга бир нима тикилиб, йиғлагим, келарди.

Гапиролмай, қўлимдаги аризани қудамнинг олдида қўйдим. У киши қоғозга кўз югуртиргач, бир мuddат жим бўлиб қолди. Кейин бирдан тутақиб кетди:

— Эсингиз жойидами, қайси она ўзининг боласини судга беради? Одамлар нима дейди? Учта неварангиз ҳам кўзингизга кўринмади? Отаси бир марта жавобгарликка тортилса, кейин манави норасидалар ҳам бир умр судланган одамнинг боласи деган тамга билан яшайди-ку! Шуларни ўйламадингизми?

— Нима қилай, ахир, сизларнинг киприк устида катта қилган қизингизни ураверса. Томошабин бўлиб жим ўтиролмайман-ку. Буларнинг ўртасига тушаман, деб юрагим эзилиб бўлган, — деб ростманасига йиғлаб юбордим.

— Сиз уйга бораверинг, қизим беш-олти кун бизниқида турсин, кейин ўзим олиб бораман. Манави аризани ҳеч кимга кўрсатманг, яхшиси уни ўзим олиб қоламан, — деди қудам...

Шундан кейин ўғлимга сал ақл кирди. Келиним ҳам тилига эрк бермайдиган бўлди. Мана, ҳозир уч қизи улғайиб, ота-онасининг қанотига киришди. Иккита катта неварамни узатдик. Чеварали бўлдим. Ўғлим билан келиним ёшлиқдаги бебошлиқларини энди кулиб эслашади. Оиламизнинг бугунги аҳиллигини кўрганлар: “Сизлар сира уришиб-талашмаган бўлсангиз керак”, дейишса, ўша кунлардаги қийинчиликларимиз кино лентасидек кўз олдимдан ўтади. Қудаларимнинг бамаънилиги, кечиримли эканимиз билан биз болаларимизнинг оиласини сақлаб қолганимиз.

Бу ёшларга қўйиб берсангиз, нималарни истамайди, дейсиз. Вақтида уларни тўғри йўлга солиш биз катталарнинг вазифамиз. Ўғли ёки қизи ажрашиш остонасида турган ота-оналар мана шуни ўйлаб кўришлари керак!

**Ҳамроҳон ЖУМАНАЗАР**  
қизи ёзиб олди.

...Бобом бетобланганига бир йил бўляптики, шунинг учунми кундалик юртишига мадори йўқ. Турмуш ташвишлари кўнгилга сиёх ташлаганида бобом шу "дўст"и билан сирлашар, энди эса дафтар эгасининг эътиборидан четда, аразлагандек жавоннинг бир четида, бошқа китоблар орасига суқулибгина турарди... Уни олиб ўқишга ҳеч юрак бетламади... Мана бугун ҳам жавондаги китобларни кўздан кечираётганимда чарм муқовали дафтар яна қўлимга тушиб қолди. Ичидан бир парча қоғоз ерга сирпаниб тушиди-ю, эътиборимни тортиди, қарасам — пул. Бобом унутган бўлса, дори-дармон сотиб олишга яраб, яна бормикан, деган ҳаёда дафтарнинг ўша бетини очдим. Кутганимдек даста-даста пуллар эмас, бор-йўғи бир дона экан. Бобом қизиқ одам-да, шу эски пулни кундаликнинг ичидо сақлаб нима қилади? "24 сентябрь 2013 йил". Тагин икки йил бўлибди! Санани шундай изоҳларди: "Талаба набирам бугун биринчи стипендиясини олибди. Умрида бировдан бир тийин олмаган одамманки, қўлимга тутқазилган пулни биринчи марта кўзимга суртиб олдим. Уша кундан эсдалик сифатида дастадан минг сўмни олиб асраб қўйдим..."

...Одамлар борки, ўзи учун эмас, ўзгалар учун яшайди. Узининг ташвиши қолиб, бошқаларнинг муаммолари ҳақида ўйлайди. Нимагаки эга бўлса, уни бошқаларга ҳам баҳам кўргиси келади. Менинг бобом ана шундайлар тоифасидан. Узини эмас, ўзгаларни дейди. Оилада ҳам шундай: меҳр беради, лекин меҳр кутмайди. Бироқ уни юмшоқтабиат дейиш қийин, аксинча, ниҳоятда талабчан, кези келганда қаттиққўл. Айтишадими, одамнинг феъл-атвори болалиқда шаклланади.

Бобомнинг иродасини тоблаган, дийдасини қаттиқ қилган йиллар тарихи шу кундаликка битилган. "Бу хотираларни тарихчи олимларнинг ўрганиши ёки китоб қилиб чоп этиш учун ёзмадим. Уларни фарзандларим, набираларим учун ёздим, зеро, ота-боболарнинг ўтмиши, оиласининг тарихини билишсин. Кимларнинг авлоди эканини билишсин..."

...Бобом — Қаюм Холмирозав 1943 йили туғилган. Тўққиз фарзанднинг бешинчиси бобом оиласининг ночор турмуши, қора кунларини яхши эслайди: ғамлаган қотган нон тугаб, жийда қоқисидан бошқа егулик топилмаган ўша киши; фарзандларининг отаси урушга кетиб, тўртта қорақўз билан ёлғиз қолган муштипар она; қанчадан-қанча пешона терини ютган бепоеён далалар; тунлардек қоронғи кундузлар ва алғов-далғов йиллар...

Қийинчилик сабр-бардошга ўргатади. Ирода машаққатларда тобланади. Бобомнинг бир гапи эсимдан чиқмайди: "Инсон ҳалол меҳнат қилганида чинакамга яшайди. Олга интилиб ҳаракатланганда, мақсади, орзуси бўлганидагина ҳаётнинг асл моҳиятини ҳис эта олади".

Эсимни танибманки, бобом ҳар куни ҳовлимиздаги томорқадан хабар олади. Катта лавозимларда ишлаб, давлатимизнинг турли орден-медаллари билан тақдирланганда ҳам бобом қўлга кетмон олиб, томорқага кирар, кейинчилик оёқлари тез-тез оғриб, узоқ йўлга ярамай қолган



## БОБОМ

йиллари ҳам дарахтларни суғориб, узум ишқомларини парвариш қилар, ғойибдан куч топар, шу билан овунарди. "Ер — мўъжиза"! Бобом шу гапни кўп такрорлайдилар. Дарахтининг илк ҳосилини йиғиштираётганда, ҳовлидаги ўрик қийғос гулга бурканганини завқ билан томоша қилаётганда, кеча чимдиб олинган бегона ўтнинг ўрнида янгиси бош кўтарганида... доим ўша гап: "Ер мўъжиза-да". Узимча "Ернинг нимаси мўъжиза? Оддий ер, холос" дейман. Ҳа, ахир мен — нурафшон куннинг фарзанди қачонлардир ўша бир қарич ер одамларнинг ёлғиз боқувчиси бўлганини қайдан ҳам тасаввур қила олардим?! Одамлар далада меҳнат қилиб кунни кеч қилади. Тер тўкиб етиштирган насибасини фарзандининг оғзига тутаман дейди, лекин норасидалар ризқи қийилади, ахир, ҳосилнинг асосий қисми хўжалик "нагрузка"сига босиб қолинади! Шундай бўлса ҳам, ночор халқнинг суянгани ҳам ер, боқувчиси ҳам ер.

Бобомнинг отаси ҳайдовчи бўлган. Холмирозав ота ҳалол меҳнат қилиб оила боқди. Аммо турмуши ночорлигидан азият чекади. Фарзандлари онаси ёпадиган жимитдекки кулчани талашишини кўриб, уларга мазали егуликлар олиб бергиси келади. Шунда у томорқада ҳар хил мева дарахтларини экиб, чинакам бог яратади. Ҳа, ҳовлининг бир парча ерига қанча ҳам дарахт сиғарди, дерсиз. Лекин тез орада шуни ҳам кўп кўрганлар топилади, "қизил" амалдор келиб, жанжал кўтаради. Ҳар бир дарахт учун давлатга солиқ тўлаш шартлиги, ҳаттоки бу ҳақда "закун"да ҳам ёзиб қўйилганини айтади. Нақ 60 сўм! Бобомнинг отаси: "Ховлимиз эккан дарахтимдан ҳам сенларга солиқ тўлайинми?!" — дейди-ю, болтани олиб дарахтларни бирма-бир чопиб ташлайверади. Ҳовлининг бир

четида биттагина дарахт қолганида бобомнинг онаси жонҳолатда эрининг оёқларига ўзини уради: "Утинанаман, жон дадаси, биттагина дарахтни сақлаб қолинг. Ёз чилласи қиряпти, болаларим шунинг соясида ўйнашади. Илтимос, шунга болта урманг!". "Қизил" мансабдор эртасига яна келади ва сўнгги дарахтнинг илдизини ҳам кесади...

Бобом умри давомида меҳнат қилиб тиним билмагани, ўзи ёмай бизга едиргани учун турмушимиз ҳар доим тўқис бўлган. Эсимни танибманки, сўраганимиз муҳайё. Бироқ бобомнинг ўз болалиги минг бир машаққат ичидо кечганини кундалигидан билдим. Ҳа, албатта, ўтган аср бошидаги оғир турмуш ва қаҳатчиликдан жабрланган биргина менинг бобом эмас. Бу кўпга келган тўй эди. Буни бугунги ёшлар тасаввурига сиғдира олишмайди. Балки, бунинг босиси турли давр одамлари эканимиздадир. Зотан, кўпинча бобо-бувиларимиз насихат қилишганда, ўзимизча улар эски йилларни қумсаяпти, деймиш. Танбеҳ беришганини эса қарилкака йўямиз, тўғрими, тенгдошим? Ахир, катталар бизни тушунмайди, ўзларига ўхшашимизни исташади, холос.

Ҳўш, аслида ҳам шундайми?

\* \* \*

...Ўтган куз кечпишар олмамиз мўл ҳосил берди, дарахт шохини кўтаролмасди. Укам шошқалоқда, томорқага кириб пишган-пишмаган бир челақ олма терибди. Ҳали таъм кириб улгурмаган экан. "Нордон экан-ку!" — деди-да, укам ўзи тишлаган олмани отиб юборди. Бобом унга қаттиқ танбеҳ берди. "Биттагина олма-я. Егиси келмаса, увол бўлди, дегани эмас-ку!" — бобом ўшанда кўзимга ҳаддан зиёд тежамкор, хасис кўринган. "Уволдан қўрқ!" — ярим пиёла чойга бир пиёла ша-

### Бир ҳовуч дур

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшит,  
Хунарини ўрганибон амал қилғил.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Эй ўғил! Қайси фан бўлмасин, то уни мукамал эгалламагунингча ҳаракатни тўхтатма, бир илм иккинчи илмни эгаллашга ёрдам беради. Бир илмни эгаллашга ақлинг йўл бердим, уни охиригача эгалламай туриб, чала ташлаб кетма!

Абдибек ШЕРОЗИЙ



### Қадрият

кар солиб "меҳмон-меҳмон" ўйнаган хиянимдан бобом қаттиқ хафа бўлган эди. Бир чимдим шакарнинг қадри шунчаликми?..

Кундалики ўқимасимдан аввал бобомни яхши биламан, деб ўйлаган эдим. Энди эса қаттиқ адашганимни англадим. Бобо-бувиларимиз кўрган-кечирганларидан хулосалаб гапирар экан. Ҳар бир ўғитнинг ўз тарихи бор бўлса, ажабмас...

Бобом тўртинчи синфга ўтганида китоб сотиб олишга пул топилмабди. Шунда ҳар куни қўшни маҳалладаги дўстиникига китоб сўраб борадиган бўлибди. Охир-оқибат, ўша синфдошининг онаси ҳар куни эшик қоқиб келадиган боладан беизиб, ўғлига китоб беришни таъқиқлаб қўйибди. Боланинг дўстига раҳми келиб, хийла ўйлаб топибди. Бобомни дераза олдига қақарибди. Китобни очиб, ойнага тираб қўйибди. Аксига олиб, шаррос ёмғир қўйиб юборди. Бобом эса ёмғир бу совуққа қарамасдан дераза олдида туриб уй вазифасини дафтарга бир амаллаб ёзиб олибди. Бир куни: "Уша ёмғир ёққан куни дарс тайёрлашингиз шарт эдим, эртасига ҳам кун бор эди-ку?" — дедим. "Йўқ, қизим, инсон ҳар куни нимадур ўрганиши шарт. Бугун бир қадам олдинга юрмасанг, эртага икки қадам орқага кетиб қолсан". Уйимизда 5000 тага яқин китоб бор. Бу бобомнинг умри давомида йиғиб тўплаган "бойлиги". Ҳалиги солнома эса менинг бойлигим. Унинг муаллифи-чи? Мен учун ким? Бобомми, ё менга бир умр ибрат бўлиб келган устозимми? Балки, доим ёнимда тўғри йўлни кўрсатадиган юлдузимдир?

"Бобом бор-ку!", — деган фикр хаёлимга келганда бирдан қалбим ёришиб кетади. Аслида, бахт — азиз инсонларнинг борлиги. Инсон гўдаклигидаёқ буни англаб етади. Эътибор берсангиз, 3-4 ёшли болани хафа қилишса, дарров: "Дадамга айтиб бераман", дейди, ёки уйда катталар бўлса: "Бобомни қақариб келаман", дейишга тушади. Вояга этиб ҳам ана шу инсонларга суянамиз, бошимизга ташвиш тушса, уларни қидириб қоламиз. Бироқ, бошқа пайт-чи?..


Узоқда жойлашган лицейда ўқиётганимда бобом ҳар куни мени уйга олиб кетиш учун келарди. Машгулотлар туғатга, гоҳ у дугоман, гоҳ буниси суҳбатга тортарди. Шошмай лицейдан чиқаман. Бобом эса кутади. Ҳеч қачон куттирганим учун қоймайди. Бугун ўша соатларни бекорга сарфлаганим учун афсусланман. Аммо шу тобда мени ардоқлайдиган бобом-бувим ғанимат эканини унутмайман. Тенгқурларимга улардан вақтинги, эътиборингни, меҳрингни қизғонма, улар сандан ҳеч нарсани қизғанишмайди, ҳатто жонини ҳам, дегим келади.

2007 йилнинг кузини яхши хотирлайман. Ўшанда икки ҳафта даволанган эдим. Бобом оёғи касал, юрганида оғриқдан қуйналар эди. Лекин шунга қарамай йўл босиб, мени кўриш учун шифохонага келарди.

Бугун бобомнинг ўзи оғир касал. "Меҳр берган меҳр кутади", — дейишади. Бобом мендан нима кутяпти? "Таътилдасан, дам ол, қизим! Узингни уринтирма!". Ҳа, биламан, дунёдаги барча бобо-бувилар набираларига худди шундай меҳрибон, худди шундай ғамхўр. Лекин шундай бўлса ҳам, уларнинг барчаси менинг бобомга ўхшагини истардим...

Моҳларойим ҚАЮМОВА.

# БАХТ НИМА?



Бу саволни неча кишига берсангиз, турли хил жавоб оласиз ва уларнинг ҳар бири ўзича тўғри. Ҳа, бахтни ҳар ким ўзича тушунади. Яқинда бир учрашувда менга ҳам шундай савол беришганида эса, тўғриси, ўйланиб қолдим. "Бахт бу — шукрона. Шукур қилиб яшайтган, шу сўзни тилга олайтган инсон бахтсиз бўлиши мумкин эмас. Токи қалбимда шу ҳис бор экан, мен бахтлиман", деган фикр ҳайлимга келди.

Биламан, бундан бир неча йил олдин бу ҳақда сўраганларидан бутунлай бошқача жараб берардим. Чунки бахт ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар бизнинг истакларимиз,

орзуларимизга кўра ўзгариб туради. Аммо, бугун "Бахт — бу шукрона" дея қатъий фикрга келишимнинг сабаби орзуларим ушалгани ёки истакларим чегарасига етганида эмас. Шунчаки, шиддатли тус олган "глобаллашув" жараёнида оилам тинч, устим бут, ўз уйим, касб-корим, инсоний қадр-қимматим бор. Юртим тинч, урушни фақат кинода кўрган болаларимнинг ниятлари улуг. Қалқиб турган бу дунёда шундай хотиржам яшашдан ортиқ нима керак?..

Фарзандларим кенг ва ёруғ, мухташам биноларда ўқиш учун отларангар, чўлдаги мактабда биринчи, иккинчи ва учинчи синфлар битта хонада, партага сиқилиб ўқиган болалигим ёдимга тушади. Ўша



Ойна

пайтда ҳам онам айтарди: "Шукур қил, болам, биз катта-ю кичик аралаш лойсувоқ эски уйда, тагимизга сомон тўшаб ўқиганмиз". Энди-чи, бугун ўзбек халқининг болалари қандай шароитларда таълим олаётдилар? Бугун ўн бор, юз бор, минг бор шукур қилсак, арзийди!

... Тараққиёт мўъжизалари, ҳайратомуз кашфиётлардан қувонамиз. Хориж томонларда рўй бераётган тўфону зилзилалар, даҳшатли уруш оловларидан асрасин, деймиз... Жаннатмонанд заминда, тиник осмон остида шулар ҳақида ўйлаган ҳар қандай соғлом тафаккурли кишининг қалбида биргина туйғу бўлиши мумкин — шукур!

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб мустақиллик шодиёналари кенг нишонланмоқда. Ташкилотчиларнинг кўли-кўлига теғмайди, "Бугунги учинчи ё тўртинчи тадбиримиз", — дейди руҳи баланд санъаткорлар. Онахонларнинг нурли юзларида мамнуният балқийди: "Худонинг берган кунда хурсандчилик бўляпти. Мустақилликка етказганига шукур!"

"Шукур" — нақадар ёқимли сўз! Айтсанг, кўнгли юксалиб бораверади. Ҳаётингга файз, ишингга унум, руҳингга қувват қўшилади.

Азиз юртодош, қалбингизга назар ташланг, унда ўша туйғу барқарорми? Уни асранг! Мустақил юртга корингиз тегсин, унинг эртаси учун эзгу ишларга бел боғланг, шунда шукурга элтувчи неъматлар кўпаяверади. Токи, дилингизда шукрона бор экан, бахт сизга ёр бўлгуси!



ЁҒОЧ

## ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ

Хитойлик маҳоратли дурадгор Лю Фулонг ёғочдан ажойиб машина ясади.

Арра, ранда, эгов, жилвир қоғоз, мих ва елим ёрдамида бир қанча ишлов берилгач, оддийгина дарахт танаси кўп ўтмай қойилмақом ҳақиқий электромобилга айланди-қолди. Бир кишилик ўринга эга бўлган машина электроаккумулятор қуввати ёрдамида соатига 32 километр тезликкача ҳаракатлана олади. Техник жамланмасига кўра, у бошқа автомобиллардан деярли фарқ қилмайди. Яъни, хайдовчи учун қулай қурилмалар, юкхона, капот, чироқлар, эҳтиёт гилдирак ва ҳоказо бошқа зарур бўлган барча жиҳозлар муҳайё қилинган.



ЭРКАКЛАР

## УЧУН КОЛЯСКА

Сиз пойтахт кўчаларида ҳаракатланган Ҳехиянинг "Шкода" русумли автомобиль, автобус, троллейбус ва ҳатто трамвайларигача кўргансиз. Ушбу компания яқинда яна бир янгилликка қўл урди.



Биласизки, чақалоқларни коляскада тоза ҳавода сайр қилдириш одатда аёлларнинг, яъни оналарнинг вазифаси ҳисобланади. Кўча-кўйда коляска етаклаган эркакларни камдан-кам ҳолларда учратасиз. Ушанда ҳам эр ёнида албатта аёли ҳам ҳамроҳ бўлади.

"Шкода" фирмаси эса эндиликда сайр чоғида ҳеч бир эркак уялмасдан судраб юрадиган бақувват коляскаларни ишлаб чиқара бошлади. Компания аввалга 1000 нафар британиялик ёш оталар ўртасида сўров ўтказди. Уларнинг тўртдан уч қисми гўдакларини сайр қилдириш учун коляскалар ҳақиқий эркакча услубда ишлаб чиқарилса, улар бажонидил бу транспорт воситасини етаклаб юриши мумкинлигини билдиришган.

Натижада қалин резинали катта-катта тўртта гилдирак устига ўрнатилган, барча қулайликларга эга улкан коляска ишлаб чиқарилди. Унинг орқани кўрсатувчи кўзгулар ўрнатилган дастаги худди мотоцикл рулини эслатади. Амортизаторлари, бурилиш тизими гидравлик ҳаракатланувчи бўлиб, эркакларга хос кескин ҳаракатларни енгиллаштириб, чақалоқни турли силталашлардан ҳимоя қилади. Шунингдек, коляска ҳимоя камари, тунги сайрга мўлжалланган чироқлар билан ҳам жиҳозланган. Хуллас, бу ажойиб транспортни ҳар қандай ота беҳижолат бошқариб юриши мумкин.

Наргиза СИДДИҚОВА  
тайёрлади.

# МЕҲР — БУЮК МУСАВВИР

Ўша кунни тонгга кўнгирик бўлди. Пойтахтдан хизмат сафарига келган мухбир мени сўраган экан. Онамнинг суратини олиб боришимни айтганларидек, тушундим. Волидам ҳақида хотираларни йўллагандим, расми билан беришмоқчи, шекилли...

Қувончимнинг чеки йўқ эди. Онажоним, менинг содда онагинам шундай нуфузли нашрда чиқса-я! Буни ўзи билганида, кўрганида эди! Кўзларига ишонмаган, рўмонлигини учлари ҳўл бўлгунча йиғларди. Лекин бу хотиралар — менинг кечиккан дил изҳорларим эди...

Китоб жавонидаги ҳамма альбомларни олиб, муносибини қидира кетдим: кўлларим бўшашди. Онамнинг атиги олти сарғайган сурати бўлиб, бирортаси портрет эмас экан (ҳар хил фонда тушган расмларимизга қараб, тўғриси, уялиб кетдим). Агар акаларим армияга бормаганида, булар ҳам бўлмасди. Дарвоқе, уларнинг яралишига онамнинг илғор пиллакорлиги, теримчи пахтакорлигим сабаб. Мана буни пилла топшириш режасини икки ҳисса бажарганларида газета учун олишган: оддий, жиғаранг жемперда, бошида яшил

сим рўмол, хиёл жилмайиб ва беҳад ийманиб турган онам... Ипак куртини папалаб, печкага ўт ёқиб боққан кунлари, ҳўл барғни кўтаравериб, бели оғриб ухламаган тунлари, элас-элас ёдимда.

Буниси эса илгор пахтакорлар сафида катта бир анжуманга борганида олинган. Ушанда онамни даласиго олтига боласидан ажратиб, икки кунга пойтахтга олиб кетиш учун эшигимизга казо-казо раҳбарлар келиб, зўрга кўндиришган экан... Мана, бешта аёл курсида тизилиб ўтиришибди. Кўллар тиззада, елкалар тик. Энгилари деярли бир хил: тўғри бурма ва узун энгли кўйлак устидан камзўл, бошларида гулдор рўмонлар. Сочлар майда ёки иккита қилиб ўрилган. Бу сурат тарихида мени на катта шахар ва на анжуман таассуротлари, балки орқа фон манзараси ҳайратга солганди. Ўша парда ола-була, бундан ҳам қизиги, унга йирик тугмалар қадалганлигини осонгина илғаб олиш мумкин. Бу ҳақда сўраганимда эса, онам орқада эркак кишилар тик турганлиги, улар илгор механизаторлар экани боис бирга расмага тушишга мажбур бўлишганини айтиб берди. Уйга қайтгач, бегоналар қиёфасини елкадан қирқиб юборган экан...

Қолгани аскарликка кетган акамлар учун олинган суратлар. Уларнинг ҳар бирида волидамнинг меҳрли нигоҳи ва интизорлик ила айтилган: "Ой бориб омон келгин, болам?" деган соғинчли сўровини туюман.

Суратлар... Улар бугун кўнгил торларимни нафис-нафис чертиб, шууримга алладай қадрли туйғулар бахш этди. Шу тобда онам ҳақидаги бир бадиани ўқиб, турли манзиллардан сими қоққан одамлар ва улар айтган сўзларни эсладим: "Менинг онамни ёзибсиз, худди кўргандай"... Ҳа, миллатимиз оналари бир-бирларига жуда ўхшайдилар. Бу табаррук сиймо турли рангларда, хилма-хил мўйқалам билан яратилаверади, лекин ҳамиси моҳияти туйфайли бир-бирига жуда ўхшаб қолаверади. Бу буюк мусаввир — Меҳрнинг иши.

Хуллас, ўша кунни журналга муносиб расм тополмадим. Сифат маъносида, албатта. Лекин, қалбим жуда азиз, бироқ унутилаёзган инжа туйғулар ташрифидан ёришиб кетди. Ўша ёруғлик меваси бўлмиш ушбу сатрлар ўзбек онаси портретига, энг кичик нуқтадек бўлса ҳам, яна бир чизги бўлиб тушса, қошки эди...

Гулчеҳра АСРОНОВА.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлемалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ  
Мусаҳҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма  
Г — 936. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади  
— 4621. Баҳоси келишилган нарҳда.

СОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5